



►( 亂世の政治家 亂世の政治家 亂世の政治家 亂世の政治家 亂世の政治家  
乱世の政治家 ) .

1 - Етти осмоннинг Рабби, улуғ арш Парвардигори бўлган эй Аллоҳ! Фалончи ва яна Сенинг бандаларингдан бўлган унинг гуруҳидаги кимсалардан бири менга шошиб озору азиятлар етказишидан, туғёнга тушишидан ҳимоячим бўл. Сенинг ҳимоянг қудратли ҳимоядир. Сенинг мақтовинг юксакдир. Сендан ўзга ҳеч қандай (барҳақ) илоҳ йўқ. (Бухорий ривояти).

2 – Аллоҳ буюкроқдир! Аллоҳ жамики махлукотларидан қудратли – Азиз зотдир. У мен қўрқаётган ва хавфланаётган кимсалардан қудратлироқдир! Яккаю ёлғиз илоҳ бўлган етти осмонни ер устига тушиб кетишидан тутиб турувчи – магар Унинг изни билан тушиши мумкин – Аллоҳдан фалончи банданг ҳамда унинг инсу жинлардан бўлган қўшинлари, эргашувчилари ва гурухларининг ёмонлигидан паноҳ беришини сўраб илтижо этаман. Эй Аллоҳим! Мени уларнинг шарри-ёмонлигидан асровчи ҳимоячим бўл. Сенинг мақтовинг юксак,



0037. Султоннинг зулмидан қўрқсан-хавфда бўлган киши ўқийдиган  
дуолар | 2

## Ислом Нури

ҳимоянг қудратлидир. Сенинг исминг буюк-баракотлидир ва Сендан  
ўзга (ҳақ) илоҳ йўқ. (Уч маротаба айтилади). (Бухорий ривояти).